





Коммунистик районидаги Свердлов номли колхозда машина ва механизмларни кўкламга шайлаш уюшқоқлик билан олиб борилаяпти. Ремонтчи-механизаторлар ишни ўзаро мусобақа асосида ташкил этиб, техникани тезроқ созлаш пайида бўлишмоқда. Ҳозиргача 48 ҳайдов тракторининг 35 таси, 31 сеялканинг 22 таси тайёрлов чизиғига қўйилди.

СУРАТЛАРДА: 1. Механизаторлар Эркин Мамутов ва Рисбек Ҳасанов. Улар ремонт ишларида фаол қатнашишаяпти. 2. Старт чизиғидаги тракторлар. 3. Асбобсоз Сергей Хегай иш устида.

А. ЗУФАРОВ фотолари.

# АГРОСАНОАТ ЯНГИЛИКЛАРИ

### ОИЛАВИЙ МЕҲНАТ ТУФАЙЛИ

Қўрғонтепа район Тимирязев номли хўжаликлараро бўрдоқичилик бирлашмаси молбоқари Т. Боймирзаев яхши натижаларга эришмоқда. У парвариш қилаётган бузоқлар бир кеча-кундузда 1200 граммгача семирмоқда. Бу — комплексдаги ўртача кўрсаткичдан икки баравардан ҳам кўпроқ. М. Сотимбоев ва Т. Содиқовлар ҳам илғор молбоқарга эргашиб, дуруст натижаларга эришмоқдалар. Уларга бириктирилган бузоқларнинг ҳар бири кунига 800—900 грамм эт қўшмоқда.

Бу молбоқарларнинг оила пудратига ўтиб ишлаётганликлари натижаларидан биридир. Бу ишнинг муҳим якунларидан яна бири ем-хашакни тежашдир. Ҳозир ҳар бир бузоқни боқиш учун ўтган йилдагига нисбатан тўрт баравар кам озуқа бирлиги сарфланмоқда. Бу — озуқа цехи ишчилари Т. Холмирзаев, Т. Жилқичиев ва уларнинг чорва моллар учун озуқа тайёрлаётган мусобақадош дўстлари хизматидир.

Хўжаликда ўтган йил кузданоқ маккажўхорини сўтаси билан силосга бостира бошладилар. Фақат ана шу усулгина аралаш озуқага бўлган эҳтиёжни анча камайтирди.

Молларни озиқлантириш режими ҳам қайта кўриб чиқилди. Эндиликда молбоқарлар ўз қарамоқларидаги жониворларни, авваллари бўлганидек, бир кеча-кундузда икки марта эмас, балки тўрт марта озиқлантирмоқдалар. Бу эса бузоқларнинг семиришига жуда яхши таъсир қилмоқда.

Колектив ўтган йилни муваффақиятли якунлади. Давлатга пландагидан анча кўп — 342 тонна мол гўшти сотилди. Топширилаётган тирик молнинг вазни 476 килограммни ташкил этди. 1988 йилда коллектив давлатга белгиланган топшириққа нисбатан 50 тонна кўп — камида 400 тонна гўшт топшириш мажбуриятини олди. Бирлашма ходимлари Бутуниттифоқ партия коферецияси очиладиган кунгача ярим йиллик планни бажаришга қарор қилдилар.

### ИККИ СМЕНАЛИ ИШ ШАРОФАТИ

Сирдарё областидаги «Социализм» совхози сут-товар фермаси коллективи бир йил давомида 80 минг сўм соф фойда олди. Бу икки сменали иш режимига ўтиб ишлашнинг шарофатидир. Тармоқ шу вақтгача фақат зиён кўрарди.

Янги иш режими туфайли аввало, меҳнат шароитлари яхшиланди. Натижада самарадорлик ортди. Чунончи, ҳар бош говмишдан 2.900 килограммга етказиб сут соғиб олинди. Бу мажбуриятда кўзда тутилганидан деярли 300 килограмм кўпдир. Давлатга сут сотиш плани анча ошириб адо этилди.

Сут соғувчи ўзининг етти ярим соатлик иш куни давомида 50 та сигирни парваришлайди. У бир ҳафта эрталабдан, иккинчи ҳафта соат 14 дан ишга чиқади. Ўртача иш ҳақи аввалгисига нисбатан ҳатто 20 сўм кўпайди. Энг муҳими эса, аёллар учун зарур бўш вақт пайдо бўлди. Улар бўш вақтларини оилага, рўзғор ишларига, маданий дам олишга бағишламоқдалар.

Фермада қишлов муваффақиятли ўтмоқда. Молларга бериладиган озуқа турлари хилма-хил: силос ҳам, лавлаги ҳам, аралаш ем ҳам бор.

Янги йилнинг биринчи куниданоқ коллектив тўла хўжалик ҳисоби ва ўзини-ўзи пул билан таъминлаш шароитида ишлашга ўтди.

### ИЛҒОР ТЕХНОЛОГИЯ АСОСИДА

Чироқчи паррандачилик комплекси товуқхоналарида яратилган қулай шароит корхонага катта фойда келтирди. Давлатга тухум топшириш 45 процент кўпайди. Илгари зарар кўрган фабрика қарзларини узибгина қолмасдан, салмоқли фойда ҳам ола бошлади.

Парранда боқиш шароитларини яхшилаш учун оддийгина усулни қўллай бошладилар: товуқхона шипларини сомон аралаштирилган лой билан суваб, сўнг темир-бетон плиталар билан қопладилар. Энди қишда ҳам, ёзда ҳам бир хил иқлим сақланиб туради. Натижада товуқларни катакларда боқиш ва интенсив технология асосида маҳсулот олиш имкони туғилди. Илгари бундай қилишнинг иложи йўқ эди. Ҳатто кондиционерлар ҳам ёрдам бера олмасди.

Бу йил Қашқадарё «Птицепром» бирлашмасининг барча тўққизта комплексида ана шундай унча мураккаб бўлмаган реконструкция ишлари амалга оширилади, деб хабар берди бош директор Е. Меркутов. Бу эса парҳез маҳсулотлари етиштиришнинг кўпайтиришнинг асосий резерви бўлиб қолади.

(ЎзТАГ).

# ҚИШЛОҚ МАДАНИЯТИ ВА ДАВР ТАЛАБИ

Улуғ Октябрь социалистик революциясининг ғалабаси ва ленинча миллий сиёсатнинг тантанаси туфайли Совет ҳокимияти йилларида республикамизда қишлоқ маданиятини юксалтириш соҳасида катта ютуқларга эришилди. Қуйидаги статистик маълумотлар ана шундан далолат беради. Ўзбекистон ССР ташкил топган 1924 йилда барча кутубхоналар сони 43 та эди, ҳозир қишлоқ жойдаги фақат давлат кутубхоналарининг сони 5.500 тадан ошиб кетди. Ўша йили жами 134 та клуб муассасаси бор эди, эндиликда фақат Маданият министрлиги системасида 2.300 тага яқин қишлоқ маданият саройлари, уйлари, клублари мавжуд. 1924 йилда қишлоқда битта киноқурилма ишлаган, холос. Бугун фақат республика Кинематография давлат комитети системасидаги қишлоқ киноқурилмалари сони 3.200 тага яқинлашади.

Республикамизда қишлоқ қурилишига катта эътибор берилаётгани маълум. Ўн биринчи беш йилликда йил сайин 2,4—2,6 миллиард сўм маблағ сарфланиб, жами 17 миллион квадрат метр уй-жой қурилди. Бундан ташқари кейинги йилларда асрлар бўйи қақраб ётган қўриқ ерлар ўзлаштирилиб, ўнлаб янги районлар, колхоз ва совхозлар тузилди. Ўн мингдан ортиқ хуторлар, қишлоқлар тугатилиб, меҳнаткашларнинг эҳтиёжларини қондира оладиган янги замонавий социалистик агрошаҳарлар бунёд этилди.

Тошкент область Коммунистик районидаги «Политотдел», Хоразм область Боғот районидаги Наримонов номли колхозлар, Андижон область Хўжаобод районидаги «Савай» совхози, Самарқанд область Пахтачи районидаги «Коммунизм» колхози ва бошқа хўжаликларнинг агрошаҳарлари ана шулар жумласидандир.

Коммунистик бунёдкорлик тажрибаси шу нарсани тақозо этмоқдаки, қишлоқ маданиятини юксалтиришда асосий пойдевор — моддий база яратиш билан бирга маънавий омиллар, яъни жойларда мавжуд маориф, маданий-оқартув, маиший хизмат кўрсатиш, кино, соғлиқни сақлаш, савдо, алоқа муассасалари, спорт иншоотларининг моҳияти тобора ошиб бормоқда.

Ижтимоий тараққиётнинг бу объектив қонунияти назарда тутилганлиги туфайли кейинги йилларда юқорида санаб ўтилган муассасаларнинг иш услубини тубдан ўзгартириш, самарадорлигини ошириш масаласига катта эътибор берилди. Натижада ишнинг янги шакллари ва услублари юзага келди ҳамда кенг оммалашди. Мамлакатимизнинг турли чеккалари, жумладан республикамизда савдо, маиший-спорт комплекслари ташкил этилди. Маданий-оқартув муассасаларининг иши марказлаштирилди. Бу эса қишлоқдаги иқтисодий-маданий имкониятлардан янада унумли, тағин ҳам тўлароқ фойдаланиш, турли муассасаларнинг хизмат сифатини янада яхшилаш имконини яратди.

Янгийўл районидаги Усмон Юсупов номли комбинат, Бухоро районидаги «Маданият» колхози, Жарқўрғон районидаги «Сурхон» совхози, Пахтачи районидаги «Коммунизм» колхозида ташкил қилинган маданият ва спорт комплексларида диққатга сазовор ишлар олиб борилмоқда.

Боғот районидаги Наримонов номли колхоз маданият ва спорт комплекси ҳақли равишда республикадаги намунали иншоотлардан бири ҳисобланади. Маданият саройида қизиқарли тадбирлар тез-тез ўтказилиб турилади. Уларда ҳалол меҳнати билан эл ҳурматига сазовор бўлган донгдор кишилар фаол иштирок этишмоқда. Ёшлар билан учрашув кечасида Социалистик Меҳнат Қаҳрамони, илғор сигирсоғар Розия Матёқубова, партия ветерани Кумуш Юсупова касбга муҳаббат қўйиш ҳақида гапириб бердилар. Турли саволларга жавоб қайтардилар.

Колхоз маданият саройида расм, музика, гулчилик, шахмат, фото, бичиш-тикиш ва бошқа тўгараклар мунтазам ишлаб турибди. Барча дала шийпонларида колхоз кутубхонасининг мавсумий филиаллари бор. Бахт уйида янги оилавий маросимлар, келин-куёв тўйлари мунтазам уюштирилади.

Хўжаликда жисмоний тарбия ва спортни ривожлантиришга катта аҳамият берилмоқда. Колхоз футбол командаси областдагина эмас, республикада ҳам машҳур. Дала шийпонларида волейбол, баскетбол, гандбол майдончалари мавжуд. Бундан ташқари велосипед секцияси, дзю-до мактаби ҳам ишлаб турибди.

Хулоса қилиб айтганда, бу колхознинг маданият ва спорт комплекси ўзининг серқирра, сермазмун фаолияти билан одамларнинг маънавий ҳаётини янада бойитишда, уларни хўжалик олдида турган масъул вазифаларни муваффақиятли бажаришга сафарбар қилишда муҳим роль ўйнамоқда.

Бу мисоллар республикамизда кейинги йилларда қишлоқ маданиятини юксалтириш соҳасида бирмунча ишлар қилинганлигини кўрсатади.

Лекин шуни ҳам айтиш керакки, бу борада ечимини кутаётган муамолар ҳали кўп. Уларни ҳал қилиш учун партиямизнинг XXVII съезди ва КПСС Марказий Комитетининг 1985 апрель пленумида ишлаб чиқилган жадаллаштириш йўлини оғишмай рўёбга чиқариш, барча жабҳалардаги каби қишлоқ маданиятида ҳам жиддий қайта қуришни амалга ошириш лозим. Бу ўринда гап биринчи галда иш услубини ўзгартириш, янгича ишлаш, тезкорлик кўрсатиш ҳақида кетмоқда.

В. И. Ленин 1922 йилда ёзган хатларидан бирида қайта қуриш — бу энг аввало эскириб қолган нарсалардан воз кечиш ҳамда бошқа омилкорлик, ишчанлик, самарадорлик системасига ўтиш демакдир, деб таъкидлаган эди.

Қишлоқ маданиятини қайта қуриш ўз ичига кўп муаммоларни — моддий база яратишдан тортиб, барча маданий-маиший муассасаларнинг иш мазмуни ва услубини, инсон омили, турмуш тарзигача кўпгина қирраларни қамраб олади.

Шуни қайд этиш керакки, республикада қишлоқ қурилиши ҳажми ва сифати шу кун талабига жавоб бермайди. Аксарият колхоз ва совхозларда шаҳар типидаги замонавий посёлкалар йўқ. Кўп жойларда қишлоқ маданияти, савдо-сотиқ, маиший хизмат ва бошқа муассасаларнинг маънавий ҳаётни ривожлантиришдаги моҳияти юзаки тушунилганлиги сабабли уларни лойиҳалаштириш ҳамда қуришда қатор камчиликларга йўл қўйилмоқда. Жумладан, клуб муассасалари лойиҳалаштирилаётганида кўпинча улар идора вазифасини ўташи, йиғилишлар ёки бошқа чекланган тадбирлар ўтказиш учун мўлжалланмоқда. Унинг аҳоли турли табақалари маънавий талаб-эҳтиёжларини ҳисобга олиб ташкил этиладиган тўгараклар, секциялар ишлаши, оилавий ҳордиқ чиқариш, норасмий учрашувлар ўтказиш учун мослашган бўлиши кераклиги унутилмоқда.

Бугунги кун талаби маданий-маиший ва бошқа муассасалар тармоғини жадал ривожлантиришни тақозо этмоқда. Негаки, коммунистик қурилишнинг ҳозирги босқичида қатор қишлоқларда, ҳатто баъзи колхоз ва совхоз марказларида оддий клуб муассасалари, спорт майдонлари, маиший хизмат кўрсатиш корхоналари йўқлиги билан муроса қилиб бўлмайди. Масалан ҳанузгача республикадаги 500 га яқин колхоз ва совхозда маиший хизмат кўрсатиш корхоналарининг қабул пунктлари, 200 та қишлоқда савдо нуқталари очилмаган.

Аҳолига пулли хизмат кўрсатиш бўйича республика Иттифоқда энг охирги ўринлардан бирини эгаллаб тургани, колхоз ва совхозларда эса аҳоли жон бошига йил давомида фақат 5—7 сўмлик маиший хизмат кўрсатилаётганини қандай изоҳлаш мумкин?

Жойларда мавжуд моддий ва маданий имкониятлардан фойдаланиш ҳам яхши эмас. Республика колхоз ва совхозларида ўн минглаб дала шийпонлари бор. Деярли ҳар бир бригада ўз дала шийпонига эга. Деҳқончилик ишлари олиб борилаётган пайтларда улар маданий-маиший хизмат кўрсатиш муассасаларининг ўзига хос филиалларига айланиши, бу ерларда хилма-хил тадбирлар — лекция, сиёсий ахборот, суҳбатлар, ҳар хил учрашувлар, концертлар, спорт мусобақалари ўтказилиши, кинофильмлар, савдо, медицина хизмати кўрсатилиши лозим.

Қишлоқ аҳолисига маданий-маиший хизмат кўрсатишда доимий муассасалар билан бир қаторда мавжуд автоклуб, автомузей, библиобус, автодўкон, агитпоезд каби кўчма воситалардан ҳам унумли фойдаланиш мақсадга мувофиқдир.

Биргина Маданият министрлиги тармоғида 500 га яқин кўчма автовосита бор. Бу, сўзсиз, яхши резерв ва уларни биринчи навбатда колхоз, совхоз марказларидан узоқда жойлашган қишлоқ аҳолиси ҳамда отарларда ишлаётган чорвадорларга маданий хизмат кўрсатиш учун тўла сафарбар қилиш зарур.

Қишлоқлардаги маданий-маиший тармоқларнинг фаолиятини замон талабига мос даражага етказиш учун яна бир муаммони ҳал этиш, яъни уларни замонавий мебель, техника воситалари, реквизит, музика асбоблари, жиҳозлар, костюмлар билан таъминлаш, китоб фондларини бойитиш керак.

Республикамизда ҳашаматли маданият саройлари, уйлари, клубларга эга колхоз ва совхоз оз эмас. Афсуски, уларнинг айримларида ойлаб, ҳатто йиллаб бирон-бир арзигулик тадбир ўтказилмайди. Хусусан, Шўрчи районидаги Жданов номли колхозда бундан бир неча йиллар аввал дангиллама сарой қурилган. Илгарилари бу маданият ўчоғида ибратли тадбирлар ўтказилиб туриларди. Ҳозир эса кўпинча ҳувиллаб ётади. Қува районидаги Жданов номли колхоз клуби ҳақида шундай дейиш мумкин.

Афсуски, қишлоқ маданият муассасаларини малакали кадрлар билан таъминлаш бизда энг жиддий ва ечилмай келаётган муаммодир. Биргина Тошкент маданият институти ҳар йили 500 га яқин олий маълумотли мутахассис тайёрлайди. Лекин уларнинг бир қисми ҳар хил сабаблар билан ўз мутахассисликлари бўйича ишламай, бошқа соҳаларга ўтиб кетмоқдалар. 1985 йилда Тошкент маданий-оқартув техникумини тугатган 156 кишидан атиги 54 киши ўз соҳаси бўйича ишга жойлашди.

Айни бир пайтда қатор маданий-оқартув муассасаларида бошқа касб кишилари ишламоқдалар. Масалан, мутахассислиги қурувчи бўлган киши Термиз район маданият уйига директорлик қилмоқда. Сирдарё область Ховос районида фақат битта дипломли маданият ходими бор.

Партия, совет, хўжалик ташкилотлари маданият муассасаларининг иш мазмуни ва услубига оид муаммоларни ҳал қилишаётганда биринчи галда улар фаолиятини меҳнаткашларнинг ғоявий-сиёсий ва маданий савиясини янада ошириш ҳамда коммунистик қурилиш вазифаларини муваффақиятли бажаришга сафарбар этишни диққат марказида тутишлари керак. Чунки улкан режаларимизнинг тақдири кишиларнинг қанчалик ғоявий етуклиги, сиёсий чиниққанлигига бевосита боғлиқдир.

Қишлоқ маданиятини қайта қуриш жараёнида республикадаги демографик ҳолат ўзига хос хусусиятларга эга эканлигини ҳам кўзда тутиш зарур. Жумладан республикада аҳоли сони тез суръатлар билан ўсаётир. Фақат ўн биринчи беш йилликда у ўнинчи беш йилликдагига нисбатан 18 процент ортди. Аҳолининг кўпчилиги қишлоқ жойларда зич яшаётганлиги, агар қатор республикаларда қишлоқдан шаҳарга кўчиб кетувчиларнинг сони ортган бўлса, бизда аксинча, шаҳардан қишлоққа кўчиб борувчиларнинг сони 27—30 процент кўпайганлиги ва, ниҳоят, миграция натижасида қишлоқ жойда яшовчи аҳоли составида бошқа миллат вакилларининг сони тобора ошиб бораётганлиги бир қанча моддий ва маданий масалаларни илмий нуқтаи назардан ечишни тақозо этмоқда.

Коммунистик партиянинг жадаллаштириш, қайта қуришга қаратилган программасини тўла-тўкис амалга ошириш учун кўп муаммоларни ҳал этиш зарур. Бу давр талаби бўлиб, уни пайсалга солмасдан бажариш министрликлар, давлат комитетларининг, партия, совет ташкилотлари, кенг жамоатчиликнинг ҳозирги кундаги энг муҳим ва долзарб вазифаларидан биридир.

Ҳ. ЭШТЎХТАРОВ.

# ОНА-ВАТАН БЎЙЛАБ

ТУЛА. «Агропромснаб»нинг Тула филиалида қишлоқ хўжалик машиналарига запас қисмлар ЭҲМ ёрдамида келтирила бошлади. Область икки мингга яқин корхонадан 90 минг номда запас қисмлар олади. ЭҲМ РАПОдан тушган талабномаларга қараб, уларни хўжаликларга тақсимлайди. Буюртма деталлар мабодо қандайдир сабаб билан керак бўлмай қолса, «Агропромснаб» бу деталларни очиқ сотиш учун ўзининг улгуржи базаларига жўнатади. ЭҲМ туфайли мураккаб жараённи бошқариш соддалаштирилди, запас қисмлар тўпланиб қолишига чек қўйилди. Бу — хўжалик ҳисоби шароитида жуда муҳимдир.

* * *

ТОСНО (Ленинград области). Чорвачиликнинг интенсив методлари халқаро лабораториясига айлантирилган «Ленсоветовский» совхознинг участкаларидан бирида сут соғиб олиш жадал суръатларда кўпайтирилади. Чорва молларини урчитиш ва генетика Бутуниттифоқ илмий-тадқиқот институти билан Америка «Монсанто-компани» фирмаси биргаликда ўтказган экспериментнинг дастлабки якунлари чиқарилди. Тўрт ойлик тажриба давомида чорва моллар маҳсулдорлиги 20 процент кўпайди. Бундай юксак маҳсулдорликка эришишда гормон препаратлари сабаб бўлди. Ана шу препаратлар туфайли ҳар бош соғин сигирнинг ирсий имкониятларини аниқлашга эришилди. Чорва молларни боқиш режими ҳам қайта қурилди, озуқанинг янги рецептлари синовдан ўтказилди.

* * *

ЗАРИНСК (Олтой ўлкаси). Заринск «Лесхозмаш» заводи чакандa ҳосилини йиғиб-териб олиш учун кўплаб мосламалар ишлаб чиқара бошлади. Сибирь боғбонлари бу янгиликни кўпдан бери кутишарди. Ана шу мосламалар йиғим-теримни анча жадаллаштиради: ҳар бир киши кунига 50 килограммгача мева териб олиши мумкин.

* * *

ОМСК. «Омскшина» бирлашмасида уй-жойларни ҳамда социал-маданий ва маиший объектларни ремонт қилишга мўлжалланган цех очилди. Коллектив ўтган йили ана шундай ремонт ишлари учун 800 минг сўмдан ортиқ пул сарфлаган эди. Ихтисослашган ишлаб чиқаришнинг ташкил этилиши ишлар ҳажмини анча кўпайтиришга имкон беради. Чунки ҳозир бу корхонанинг бир неча турар-жой микрорайонлари, 16 та мактабгача болалар муассасаси, бир қатор социал - маданий - маиший объектлари бор.

* * *

КАУНАС (Литва ССР). Чингиз Айтматов «Кунда» романининг қаҳрамонлари Литва тилида сўзлай бошлади: Каунас драма театри коллективи таниқли ёзувчининг шу асарини саҳналаштирди. Спектаклни қўювчилар фалсафий теранликни жўшқинлик ва публицистика билан пайваста қилиб юбориш харакатида саҳна тасвирларининг турли воситаларидан ва ҳужжатли кинолента кадрларидан фойдаландилар. Литва театри Ч. Айтматов асарларига биринчи бор мурожаат этаётгани йўқ. Академик драма театрида «Фудзиямага чиқиш» пьесаси ҳам қўйилган. Вильнюс ёшлар театри саҳнасида «Асрга татигулик кун» спектакли зўр муваффақият билан қўйилмоқда.

ПЕТРОЗАВОДСК. Карелиянинг «Толвуйский» совхозида кўпгина ёш оилалар дам олиш кунлари ўзлари қурган уйларга кўчиб ўтдилар. Хўжаликда янги «Молодежний» посёлкаси шу тахлитда бунёд этилди. Қурувчиларга материал берилди, қилинган иш учун хўжалик иш ҳақи тўлаб турди. Бинобарин, ёш оилалар янги уй-жойли бўлишдан ташқари, янги мебель харид этиш учун маблағли ҳам бўлди. Ҳамма уйларда хўжалик иморатлари билан бирга томорқа ҳам бор. Ўтган йили Карелия қишлоқларида жами 47 минг квадрат метр саҳнли уй-жойлар қурилди, бу бултургидан чорак ҳисса кўпдир.



ЛЕНИНГРАД. Бутуниттифоқ ўсимликларни ҳимоя қилиш илмий-тадқиқот институтида картошкани турли хил касалликлар ва зараркунандалардан муҳофаза этишнинг комплекс тадбирлари ишлаб чиқилган. Уларни қишлоқ хўжалигида жорий этиш туфайли катта самара олинаётир. Хусусан, ўтган йили областнинг 27 минг гектар майдонида қарийб 39 минг тонна ҳосил сақлаб қолинди. Натижада уч миллион сўм фойда кўрилди.

СУРАТДА: биология фанлари кандидати А. М. Лазарев ва қишлоқ хўжалиги фанлари кандидати Г. А. Кононова қишга сақланган картошканинг ҳолатини текширишаяпти.

(ТАСС фотохроникаси).

* * *

ОРЖОНИКИДЗЕ. «Севосетинавтодор» бошқармаси қурувчилари узоқ Ираф районида янги автомобиль йўлини фойдаланишга топширдилар. Бу автомобиль йўли Марказий Кавказ яйловлари, ўтлоқлари ва пичанзорларини ўзлаштиришни тезлаштиришга имкон беради. Чикола-Мацута йўлининг узунлиги бор-йўғи бир неча ўн километр, лекин унинг ҳар бир метри гранит қояларни ўйиб, оғир меҳнат эвазига бунёд этилди. Автомобиль йўли портлатиш усули билан қурилди. Булутлар ортидаги тоғлиқ яйловлардан фермаларга ва қўйчилик комплексларига ана шу янги йўл орқали ем-хашак ташиб келтирилади.

* * *

УЛАН-УДЭ. Байкал кўли ҳавзасида тайгадаги Темник жилғасининг суви тозароқ бўлиб қолди. Бу ерда жойлашган Селендум ремонт-механика заводида суткасига 700 куб метр оқинди сувни тозалаб чиқарадиган станция ишга туширилди. Қурувчилар айни маҳалда канализация коллекторини ётқизиб бўлдилар. Корхоналарни айланма сув таъминотига ўтказиш ҳамда оқинди сувни тиниқ қилиб тозалаш программасига мувофиқ, Бурятиянинг жами 10 та саноат объектида тозаловчи иншоотлар қуриб битказилди.

(ТАСС).

# ПУДРАТНИ ҚЎЛЛАШ САМАРАСИ

Избоскан районидаги «Партия XX съезди» колхозининг фермасида бузоқларнинг бир кунлик семириши бир ярим баравар ортди. Бу — оилавий пудратни қўлланиш натижасидир. Эндиликда колхоз бузоқларини эр-хотин Карима ва Ёқубжон Қамбаровлар боқишмоқда. Уларга бириктилган 475 бош бузоқнинг ҳар бири кунига 700—800 грамм семирмоқда.

Колхоз фермасининг бошқа участкаларида ҳам чорвадорлар юқори натижаларни қўлга киритишмоқда. Бунга чорвачилик ва ем-хашак проблемаларини комплекс ҳал қилиш, кадрларнинг иқтисодий ва зооветеринария ўқувини такомиллаштириш, одамларнинг талабларига диққат-эътибор билан қараш туфайли эришилди. Фермада ошхона, магазин, новвойхона очилди, комплекс маиший хизмат қабул пункти ишлаб турибди.

*Меҳнатсиз даромад — эл ичра маломат*

# ЭГРИҚЎЛГА ЖАЗО ШУ

Болта Бекмуродов тоғни урса талқон қиладиган, айни куч-қувватга тўлган йигит. Бир қарашда унинг кўнглида ҳатто зиғирчалик ёмон ният борлигига ҳеч ким шубҳаланмайди. Табиатидаги қатор ижобий фазилатларни ҳисобга олиб, бўлим коллективи уни механиклик вазифасига кўтарди, коммунистлар ўз сафларига қабул қилишди. Йигит деҳқонлар, ҳамқишлоқлари орасида обрў-эътибор топа борди, эл-юртнинг тилига тушди.

Афсуски, у ҳавас ва мақтовни нотўғри талқин қиладиганлар тоифасидан бўлиб чиқди. Негадир кейинги пайтларда қадам олиши бежороқ бўлиб, ҳурмат-эътиборни суиистеъмол эта бошлади. Қандай бўлмасин даромад, бойлик орттиришнинг пайига тушди. Натижада давлат, халқ мулкига кўз олайтирди.

Ғалла ўрим-йиғими бошланиши биланоқ ёвуз ниятини амалга оширишга киришди. Мавсумда қатнашаётган кишиларнинг кўнглига қўл солиб кўрди. Бироқ давлат мулкига хиёнат қилувчилар топилмагач, бироз сергак тортди. Ҳалол ва ҳақгўй кишилар унинг муддаосини англаб, қаттиқ танбеҳ бердилар. Бироқ Болта Бекмуродов найранг йўлига ўтди. Кўзига бўшроқ кўринганларга зарда қилиб, бошқаларига эса, «Ҳазиллашдим, сизни синамоқчи эдим» — дея сувдан қуруқ чиқди. Бироқ ўзича «Ҳали кўрармиз, терлаб-пишиб топган пулларинг қанча бўларкан?» — деб пичинг қилиб қўйди.

Бир неча кун ўтиб бўлим шофёри, укаси Даминни секингина чеккага имлади. Режасини обдон тушунтиргач, ука дарҳол рози бўла қолди. Боз устига бир-иккита «ақлли» фикр ҳам билдирди:

— Менимча, операцияни тунда, ҳамма ухлаганда ўтказган маъқул. Фақат донни оладиган жой тайин бўлса бас...

— Бу ёғидан кўнглинг тўқ бўлаверсин. Ҳаммасининг плани мана бу ерда тайёр, — деди Болта кўрсаткич бармоғини пешонасига нуқиб.

Биринчи ўғирлик муваффақиятли ўтгач, ака-укаларнинг нафси ҳаккалак отиб кетди. Бекмуродовлар ҳар тунда тонна-тонналаб буғдой-арпани давлат хирмонига эмас, ўз шахсий омборларига ташийвердилар. Яхшиямки, уларнинг кирдикорларини совхоз ишчи-хизматчилари вақтида пайқаб қолишди. Акс ҳолда бели оғирмаганнинг нон ейишини кўринг деганларидек, уларнинг очилган домига яна қанча-дан-қанча ғалла гум бўларди. Болта Бекмуродовнинг уйидан қарийб 10 тонна, укасининг уйидан эса қарийб 6 тонна буғдой топилди.

Ҳуқуқ-тартибот органлари томонидан ўтказилган текширишларда Болта Бекмуродов сингари давлат омбори билан ўз хонадонини «адаштириб» қўйган яна бир неча эгриқўл шахс аниқланди. Фақатгина Олға қишлоғида яшовчи 19 кишининг уйидан хўжалик ғаллазорларидан ўғирланган 2.380 килограмм дон маҳсулотлари рўйхатга олинди.

Давлат мулкининг талон-торож этилишига қандай қилиб шароит яратилди, бунга ким йўл қўйди? — деган ҳақли савол туғилади. Унинг илдизлари бевосита лоқайдлик, масъулиятсизлик, назоратсизликка бориб тақалади. Қолаверса, Советобод районидаги «Улус» совхозининг раҳбарлари, хусусан бўлим бошқарувчиси Бўта Хўжамиёров социалистик мулкни кўз қорачиғидек асраш юзасидан ўз вазифаларига ниҳоятда совуққонлик билан қарадилар.

Ғалла мавсумида талон-торожга, ўғриликка йўл қўйган бошқа қатор хўжаликлар ҳам прокуратура ва милиция органлари томонидан аниқланиб, айбдорлар жавобгарликка тортилдилар. Жумладан, «Каттақўрғон» совхози механиги Э. Болиев ва механизатори Н. Баротов, «Ўзбекистон ССР 40 йиллиги» совхозининг шофёри Т. Элиев жиноят устида қўлга тушдилар.

Меҳнатсиз даромад орттириш ишқибозлари қонунга биноан тегишли жазо олишди, албатта. Бироқ шу ўринда ҳар бир ўғрилик, социалистик мулкка тажовуз қилишнинг олдини олиш барча хўжаликлар раҳбарлари, халқ назоратчилари, хуллас, ҳамма-ҳамманинг граждан-лик бурчи эканлигини алоҳида таъкидлашни истар эдик.

М. ШАМСИЕВ,
Советобод район прокурори.
Б. МАҲМУДОВ,
журналист.

«ҚИШЛОҚ ҲАҚИҚАТИ»НИНГ СИРТҚИ ИҚТИСОДИЙ ЎҚУВИ

# ЎЗИНИ ЎЗИ МАБЛАҒ БИЛАН ТАЪМИНЛАШ

**Қайта қуриш туфайли ҳаётимизнинг барча жабҳаларида рўй бераётган ўзгаришлар иқтисодий ва ижтимоий муносабатларни ҳам қамраб олувчи кўп қиррали жараёндир. Хўжалик юритишнинг иқтисодий усуллари кенг жорий этилаётганлиги бунинг яққол мисоли. Бу айниқса ҳозир агросаноат комплекси ва унинг асосий бўғини—қишлоқ хўжалиги учун долзарб вазифадир. КПСС Марказий Комитетининг 1987 йил июнь пленуми қайта қуришни чуқурлаштириш зарурати ва уни амалга оширишда янгича ёндашувлар йўлини кўрсатиб берди. Ҳозир хўжалик механизмини қайта қуриш жадаллаштириш стратегиясининг муваффақиятини таъминловчи асосий вазифа эканлиги таъкидланди.**

**Иқтисодий механизмни такомиллаштириш агросаноат комплексини уйғун ривожлантириш, унинг барча тармоқларини пировард натижага йўналтиришда муҳим роль ўйнайди. Бунинг учун КПСС Марказий Комитети ва СССР Министрлар Советининг «Мамлакат агросаноат комплексида хўжалик юритишнинг иқтисодий механизмини янада такомиллаштириш тўғрисида»ги қарори асосида товар-пул муносабатларидан, нарх, кредит, фойда, рентабеллик сингари иқтисодий омиллардан янада самарали фойдаланиш талаб этилади. Кўлами ва имкониятларига кўра бу тадбирлар жуда катта хўжалик ҳамда сиёсий аҳамиятга молик.**

**СССР Олий Советининг VII сессиясида қабул қилинган Давлат корхонаси (бирлашмаси) тўғрисидаги қонунда меҳнат коллективларининг бутун ишлаб чиқариш ва социал фаолияти ўзлари ишлаб топган маблағлар ҳисобига амалга оширилиши, яъни ўзини ўзи маблағ билан таъминлаш кўзда тутилади. Маълумки, бу қонун 1 январдан бошлаб кучга кирди.**

**Хўжалик ҳисобининг асосий принциплари маблағни коллективнинг ўзи ишлаб топган, харажатлар ва кўрсатилган хизмат учун тўловлар маҳсулот сотишдан олинган фойда ҳисобига қопланган тақдирдагина тўла рўёбга чиқади. Бунда ўз харажатларини ўзи қоплаш, ўзини ўзи пул билан таъминлаш тушунчасининг туб моҳиятини англаш муҳимдир. Ўз харажатини ўзи қоплаш тушунчаси шундан иборатки, корхона сарфлаган маблағлар қайтим бериши, фойда келтириши лозим, бу эса такрор ишлаб чиқаришнинг асосий шарти.**

**Ўзини ўзи пул билан таъминлашда эса хўжаликлар ўз маблағлари ҳисобига, айрим ҳолларда эса давлат банкидан олинган кредитларни жалб этиш эвазига такрор ишлаб чиқаришни кенгайтиради. Ўзини ўзи пул билан таъминлаш йўлига ўтган колхоз ва совхозлар бюджет ҳисоб-китобларини, қарзларни узишни, социал-маданий масалаларни ўз маблағлари ҳисобига амалга оширади. Ўзини ўзи пул билан таъминлаш узлуксиз хўжалик ҳисоби оборотини вужудга келтирадики, бу эса ўз харажатларини ўзи қоплашдан кўра бирмунча такомиллашган жараённи рўёбга чиқаради.**

**Агросаноат комплекси корхоналарининг ўзини ўзи пул билан таъминлаш ва ўз харажатларини ўзи қоплаш усулига ўтиш заруратининг бир қатор сабаблари бор. Шулардан энг муҳими пировард натижа учун меҳнат коллективининг масъулиятини оширишни талаб қиладиган қишлоқ хўжалик ишлаб чиқаришини жадаллаштиришдир.**

## ЎСИШ ПИЛЛАПОЯЛАРИ

Партия XXVII съезди, КПСС Марказий Комитетининг январь ва июнь (1987 йил) пленумларидан сўнг партия комитетлари, совет, агросаноат органлари, колхоз ва совхозларнинг меҳнаткашлари қишлоқ хўжалик ишлаб чиқаришининг иқтисодий самарадорлигини ошириш йўлларини фаол қидира бошладилар. Бу жараён республикамизда ҳам анча тезлашди.

Масалан, Пахтакор район партия комитети область агросаноат комитети ва Ўрта Осиё қишлоқ хўжалиги экономикаси илмий тадқиқот институтининг фаол иштирокида район хўжаликларининг ишлаб чиқариш молия фаолиятини танқидий қараб чиқди. Тажриба тариқасида «Пахтакор», Кичанов номли, А. Икромов номли совхозларни ўз харажатларини ўзи қоплаш усулига ўтказиш, ишлаб чиқариш самарадорлигини ошириш тадбирларини белгилади. Тажрибанинг қимматли томони шундаки, бунда иқтисодий ривожланиши турлича бўлган уч — юқори рентабелли, ўртача рентабелли ва зарар келтирувчи хўжалик танланди.

А. Икромов номли совхоз зарар келтирувчи хўжалик ҳисобланарди. Қолоқлик сабаби фақат объектив шароитлардан иборат эмасди. Хусусан, суғориладиган ерлар сифати жиҳатидан райондаги бошқа совхозларникидан қолишмасди. Бироқ 1984—1985 йилларда бу ерда ялпи маҳсулот етиштириш ҳажми кўпаймади. 1985 йилда деҳқончилик ва чорвачиликдаги рентабеллик даражаси манфий 17,4 процентни ташкил этди. Шу боисдан тадбирларни ишлаб чиқиш чоғида асосий эътибор ички резерв ва имкониятларни топишга қаратилди.

Пахта, озиқ-овқат ва озуқа экинларини интенсив технология асосида етиштиришнинг жорий этилиши ана шу резервларнинг биридир. Буни эса тегишли моддий-техника базасини вужудга келтиргандан сўнггина амалга ошириш мумкин. Масалан, ғўзанинг бир қадар истиқболли навларини экиш белгиланди. Катта ҳажмдаги гўнгхона қурилиши эса маҳаллий ўғит тайёрлашни кўпайтириш имконини берди. Мелиорация ишлари, сув таъминоти яхшиланди. Такрорий, оралиқ озуқа экинлари, беда экилган майдонларни кенгайтириш кўзда тутилди. Натижада илгари пахта билан банд бўлган майдонлардан қарийб 21 проценти озуқа экинлари учун ажратилди. Буларнинг ҳаммаси суғориладиган ерлар унумдорлигини, экинлар ҳосилдорлигини сезиларли ошириш, озуқа базасини мустаҳкамлаш, чорва маҳсулдорлигини кўпайтириш имконини беради.

Бу тадбирларнинг амалга оширилиши аллақачон ўз самарасини кўрсатди. Хўжалик 1986 йилдаёқ пахта сотишдан 567 минг сўм фойда олди. Ҳолбуки, 1984 йилда ана шу тармоқдан 1.570 минг, 1985 йилда эса 866 минг сўм зарар кўрилган эди. Сабзавот-полиз ва озуқа экинлари ҳосилдорлиги ҳам ошди. Сигирлардан сут соғиб олиш 1985 йилдагига қараганда 240 килограмм кўпайди. Бир сўз билан айтганда, совхозда ишлаб чиқаришнинг юксалиши кўзга яққол ташлана бошлади. Лекин шунда ҳам ишлаб чиқариш ва молия харажатлари камаймади, илгаригидек қисқа ва узоқ муддатли қарзлар кўпаяверди. Демак, хўжаликда ҳали сарф-харажатларнинг олдини оладиган самарали механизм вужудга келтирилмаган. Шу боисдан хўжаликнинг иқтисодий хизмати барча бўлинмаларни хўжалик ҳисобига ўтказиш бўйича зарур бўлган ҳужжатларни тайёрлашга киришди. Областнинг илғор хўжаликларида қўлланилаётган ички хўжалик ҳисоби тажрибалари чуқур ўрганилди. Коллектив пудрат, раҳбарлар ва мутахассислар меҳнатига ҳақ тўлаш усуллари такомиллаштирилди.

Илгари қолоқ хўжаликлардан бири бўлган Кичанов номли совхознинг ўз харажатини ўзи қоплаш ва ўзини ўзи пул билан таъминлаш усулига ўтиши диққатга сазовор. Бу ерда барча тармоқлар коллектив пудратга, сарф-харажатларни назорат қилишнинг чек усулига ўтказилган. Хўжалик раҳбар ва мутахассисларининг иш ҳақи ҳам пировард натижага боғлиқ қилиб қўйилган. Янги иқтисодий муносабатлар шароитида ишлашнинг биринчи йилидаёқ сезиларли натижаларга эришилди: совхозда қишлоқ хўжалик маҳсулотларининг барча турларини етиштириш бўйича планлар бажарилди. Пахта ҳосилдорлиги 1985 йилда қайд этилган 28,5 центнердан 34 центнерга кўтарилди. Бошқа экинлардан ҳам мўл ҳосил олинди. Ҳар сигирдан соғиб олинган сут 2,5 минг килограммдан ошиб кетди. Маҳсулот тайёрлаш планларини муваффақиятли бажарганлиги учун хўжалик 3,2 миллион сўмликдан зиёд фойда олди. Хўжаликнинг ўз маблағига эга бўлиши моддий-техника базасини мустаҳкамлаш, қишлоқнинг социал масалаларини жадал суръатларда ҳал этиш имконини бермоқда.

## ГАП ТАДБИРКОРЛИКДА

Янги иқтисодий механизм кўплаб хўжаликларнинг ўзини ўзи маблағ билан таъминлашга ўтиши учун мустаҳкам кўприкдир. Республикада ўз харажатларини ўзи қоплаётган, маҳсулот етиширишни кенгайтираётган, ишлаб чиқариш фондларини кўпайтираётган хўжаликлар оз эмас. Москва районидаги «Октябрь 60 йиллиги», Наманган районидаги Свердлов номли, Ленинград районидаги Охунбобоев номли, Самарқанд районидаги «Ленин байроғи», Сирдарё районидаги «Ленинград», Чиноз районидаги «Октябрь 40 йиллиги» колхозлари, Ғалаба районидаги Калинин номли, Избоскан районидаги «Октябрь 50 йиллиги», Қумқўрғон районидаги «Пахтакор» совхозлари ва бошқа хўжаликлар шулар жумласидан.

Бироқ хўжалик юритишнинг иқтисодий усулларини ўзлаштиришга юзаки ёндашган жойларда ишлаб чиқариш депсиниб турибди. Эски ташкилий структуралар қобиғи, ҳисоб-китобларнинг ўта мураккаблиги, пудратчи коллектив билан маъмурият ўртасидаги шартнома мажбуриятларининг бажарилмаслиги, кадрларнинг нўноқлиги иш ривожига тўғаноқ бўлаяпти. Айтайлик, Шаҳрисабз районидаги Карл Маркс номли ва «Москва» совхозларида 1 центнер сутнинг таннархи харид нархидан 2—3 баравар ошиб кетса, ишлаб чиқаришнинг рентабеллиги ҳақида гап-сўз бўлиши мумкинми? Республикада эса маҳсулот бирлигига нормативдагидан 1,5—2 ҳисса меҳнат ва маблағ сарфланаётган хўжаликлар оз эмас. Бир сўм ҳам оборот маблағига эга бўлмасдан йилдан-йилга қарзга ботаётган хўжаликлар бор. Масалан, Қашқадарё областидаги «Кўкдала», Энгельс номли совхозларининг давлатдан олган қарзлари тегишли равишда 18 ва 13 миллион сўмга етди.

Баъзи колхоз ва совхозлар ўн йиллар мобайнида зарар келтирувчи ёки паст рентабелли хўжаликлар қаторида қолаётир. 1986 йилда республика Агросаноат давлат комитети системасида 22 колхоз, 367 совхоз ёки жами корхоналарнинг, 35,3 проценти зарар келтирди. Фойда кўрмаётган совхозлар сони яна 32 тага кўпайди. Улар кўрган зарар 254,7 миллион сўмга етди ва 1985 йилдагига нисбатан 81 миллион сўм кўпайди. Картошка етиштириш, қорамол ва қўй, чўчқа гўшти, айниқса тухум етиштириш зарар келтирувчи тармоқлар бўлиб қолди. Бу тармоқларда рентабеллик даражаси манфий 44,1 процентни ташкил этди. Аҳволнинг шунга бориб етиши колхоз ва совхозларнинг раҳбарлари давлат томонидан яратилган молиявий имкониятлардан, ишлаб чиқариш потенциалидан фойдаланишда кўрсатган нўноқликлари, экономика масалаларига қизиқмай қўйганликлари, ҳисоб-китобни унутганликлари оқибатидир. Хўжалик ҳисоби иқтисодий жиҳатдан заиф хўжаликларда номигагина қўлланилди. Хўжаликни оқилона юрита билмаслик, тежамсизлик ва хўжасизлик ҳамиша объектив сабаблар билан хас-пўшланди, бу эса вазиятни баттар кескинлаштириб юборди.

## ЕРНИНГ АСЛ БАҲОСИ

Ҳозир кўпгина хўжаликлар Кичанов номли совхоз ва бошқа хўжаликларнинг тажрибасига таянган ҳолда ўз харажатларини ўзи қоплаш ва ўзини ўзи пул билан таъминлашга ўтмоқдалар. Бироқ иқтисодий жиҳатдан уларнинг ҳар хиллиги ишни мураккаблаштиради. Ишлаб чиқариш рентабеллиги бирмунча юқори бўлган колхоз ва совхозлар бу ишни зарар кўрувчи ёки паст рентабелли хўжаликларга қараганда осон амалга оширадилар. Шундай экан, хўжаликларни иқтисодий тенглаштиришнинг самарали йўлларини фаолроқ қидириш лозим.

Бу «тенгсизлик»нинг сабаблари ҳаммага маълум: бошқариш системасидаги нуқсонлар, хўжалик механизмининг номукаммаллиги. Табақалаштирилган рента ҳақидаги марксча-ленинча таълимот ҳалигача амалда тўлиқ қўлланилмаётир. Агросаноат комплексидаги бошқарув системаси куч ва воситаларни ерларнинг унумдорлигини иқтисодий тенглаштиришга йўналтира олмаяпти. Давлат томонидан табақалаштирилган харид нархлари эса колхоз ва совхозлардаги конкрет ишлаб чиқариш шароитларига, нарх белгилаш органлари талабларига жавоб бермаётир.

Бу борада республикадаги мавжуд ерларнинг сифат баҳоси яхши восита бўлиши мумкин. У баъзи аниқликларга муҳтож бўлса-да, ерларнинг маҳсулдорлигини равшан кўрсатади. Чунончи, Арнасой районидаги суғориладиган ерлар 61 балл бўлса, Мирзачўл районидаги ерлар 76 балл баҳоланади. Шу боисдан ҳам Арнасой районида қишлоқ хўжалик маҳсулотларини реализация қилишдан олинадиган фойда Мирзачўл районидагидан анча кам. Бундай қонуният республиканинг бошқа районлари учун ҳам тааллуқлидир.

Бир қатор хўжаликларнинг иқтисодий кўрсаткичлари шундан далолат бермоқдаки, ҳозир уларда ишлаб чиқариш ўзини-ўзи қоплаяпти. Бу хўжаликлар қарз олмасдан ишлаб чиқариш харажатларини қопламоқдалар ва ҳатто ўз даромадлари ҳисобига социал-маданий қурилишларни авж олдирмоқдалар. 1985 йилда 136 колхознинг (жами колхозларнинг қарийб 16 проценти) рентабеллик даражаси 45 процентдан юқори бўлди. Шундан 38 процентида рентабеллик даражаси 55 процентдан ошди. Наманган райони колхозлари ҳисобидаги маблағ йил охирида 19 миллион сўмдан зиёд бўлди.

Бироқ бир қатор колхоз ва совхозларда тупроқ унумдорлигининг пастлиги, бошқа табиий ноқулайликлар туфайли деҳқончилик ҳамда чорвачиликка сарфланган харажатлар ўзини оқламаяпти. Бу асосан рентабеллик даражаси 15—17 процентдан паст бўлган хўжаликларга тегишлидир. 1985 йилда 488 совхозда ўртача рентабеллик даражаси 25 процентдан кам бўлди. Жумладан 274 хўжаликда бу кўрсаткич 10 процентга ҳам етмади, 435 хўжалик эса зарар кўрди.

Табиийки, даромадлардаги бундай тафовутлар хўжаликларнинг социал инфракструктурасини ривожлантиришда ўз аксини топмасдан қолмайди, бу эса ишлаб чиқариш интизоми, меҳнат унумдорлигининг пасайишига олиб келади. Ҳатто республика колхозларида ҳар киши-кунига тўланадиган ҳақ 4,5 сўмдан 9 сўмгача ўзгариб туради. Шу муносабат билан хўжаликларнинг рентабелли ишлаши учун барча имкониятлар яратилган деган тушунча ҳамиша ҳам ўринли эмас. Қолоқ хўжаликлар ҳали ёрдамга муҳтож. Бу ерда ҳар тарафлама ўйлаб кўрилган, самарали иқтисодий тадбирлар зарур.

Одатда хўжаликларнинг иқтисодий жиҳатдан заифлиги, норентабеллиги фақат меҳнатни ташкил этишдаги уқувсизлик, хўжасизлик билангина ифодаланади. Холбуки, унинг катта қисми хўжалик юритиш шароитларининг тенгсизлиги ва уни бартараф этиш чоралари кўрилмаганлиги оқибатидир.

Шу боисдан ҳар бир хўжаликнинг ўз харажатларини ўзи қоплаш принципи асосида ишлай олиш имкониятларини аниқлаш чоғида ишлаб чиқариш шароитларини тенглаштиришга алоҳида эътибор бериш лозим. Асосий ишлаб чиқариш воситаларини, энг аввало тупроқ унумдорлигини тенглаштириш тадбирларини белгилаш ва шу йўл билан хўжаликларга ўз харажатларини ўзи қоплаш принципида ишлаш учун нисбатан тенг имкониятлар яратиш мумкин бўлади.

Табиийки, ҳатто ёнма-ён турган пайкалларнинг унумдорлигини тенглаштириш мумкин эмас. Лекин амалиёт шуни кўрсатмоқдаки, уларни бир-бирига «яқинлаштирса» бўлади. Агар ориқ ерлар тегишли мелиоратив ишлардан сўнг бирмунча кўпайтирилган миқдорда органик ва минерал ўғитлар билан озиқлантирилса, аста-секин унумдор ерларга тенглаша боради. Ёзёвон райони хўжаликларининг тажрибаси бунга яққол мисол. Шўрхок ерларда жойлашган бу район Фарғона областида энг қолоқ ҳисобланарди. Фақат унумдор ерларга солинган минерал ўғитлар яхши самара беради, деган фикрга асосланган ҳолда бу районга ҳамиша областнинг ўртача кўрсаткичидан паст миқдорда ўғит ажратиларди. Бироқ район хўжаликларига тажриба тариқасида ўртача кўрсаткичдан 15 процент кўп минерал ўғит ажратилганда аҳвол сезиларли ўзгара бошлади. Район хўжаликлари областнинг ўртача даражасидан зиёд маҳсулот етиштирадиган бўлди.

Афсуски, ана шу тажриба шундан кейин давом эттирилмади. Фарғона, Охунбобоев ва Тошлоқ районларининг хўжаликлари ҳозир ҳам Боғдод, Киров, Ленинград, Ўзбекистон районларининг колхоз ва совхозларига қараганда ҳар гектар ер ҳисобига 17 процент кам минерал ўғит олишмоқда. Қимматли тажриба республиканинг бошқа областларига ҳам ёйилмади.

Районларга минерал ўғитлар тақсимлаш чоғида ҳар юз гектар экинзордан олинган ялпи маҳсулот миқдорига амал қилиш ўринли бўлур эди. Ҳисоб-китоблар шуни кўрсатмоқдаки, айтайлик Фарғона областида серунум ерларга ажратилаётган минерал ўғитларни камайтириш ҳисобига ориқ ерларникини 20—30 процент кўпайтириш мумкин.

Бунда унумдор ерларга путур етказилмайдими? Бу саволга жавоб бериш учун яна Пахтакор районида ўтказилган тажрибага қайтамиз. Тажриба тугагандан сўнг 1985 йилда район ер бирлиги ҳисобига областнинг ўртача даражасидан кам минерал ўғит ола бошлади, бироқ ишлаб чиқариш суръатининг ўсиши пасайгани йўқ.

Ўз-ўзидан маълумки, тажриба ўтказилган пайтда унумдор ерлардан олинмай қолган ҳосил ўрнини унумсиз ерларда ҳосилдорликнинг ортиши қоплайди. Буни унумсиз ерларни маҳаллий ва минерал ўғитлар билан обдон тўйдириб, экинлар ҳосилдорлигини ошириш мисолида яққол кўриш мумкин. Бироқ ориқ ерларни бир уринишдаёқ унумдор ерларга айлантириш мумкин, деган хом хаёлга бориш ярамайди. Хусусан, Пахтакор районида ўтказилган тажриба учун ҳам маълум муддат керак бўлди. Бунда юқорида айтиб ўтганимиздек, ишлаб чиқариш шароитларини тенглаштириш, бунинг учун тегишли имкониятларни вужудга келтириш зарур эди.

* * *

Қишлоқ хўжалик маҳсулотлари харид нархини ичкизонал (ичкиреспублика) бўйича табақалаштириш сингари иқтисодий омилни ишга солиш пайти келди. Ана шунда рентадан олинадиган даромадлар давлат бюджетида сарсон бўлмасдан тўппа-тўғри ориқ ерлардан келадиган зарарни қоплашга кетаверади. Бундай тадбир унумдорлиги турлича бўлган ерларда бир меъёрда ишлашга қизиқиш уйғотади.

Чамаси, паст рентабелли ва зарар кўрувчи хўжаликлар учун қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари харид нархига қўшимча ҳақ сифатида давлат ажратаётган дотацияни тақсимлашни ҳам такомиллаштириш зарур. Ҳозирча у шундай тартибда тақсимланади: айрим чорвачилик маҳсулотларини етиштириш таннархи қанчалик юқори бўлса, қўшимча ҳақ ҳам шунчалик кўп бўлмоқда. Оқибатда айрим хўжаликлар зарар кўрувчилар қаторида қолаверади ёки рентабеллик даражаси арзимаслигича тураверади. Ваҳоланки, яхши ерлардан юқори рента даромадлари олиб, ўз ички харажатларини ўзи қоплаш имкониятига эга бўлган районлар ҳам катта миқдорда қўшимча ҳақ олишмоқда. Масалан, Самарқанд областидаги Пайариқ, Паст Дарғом районларининг хўжаликлари ўз маблағларига эга бўлсалар-да, уларга паст рентабелли хўжаликларга мўлжалланган маблағларнинг анча қисми ажратилмоқда. Агар рента даромадларини қайта тақсимлаш системаси мавжуд бўлганда эди, бу районлар ёмон шароитда ишлаётганларга ажратилаётган қўшимча ҳақлардан воз кечишган бўлишарди.

Албатта, бу тадбирлар сарф-харажатларнинг олдини оладиган механизмга тўғаноқ бўлмайдими, қарамлик кайфиятини кучайтирмайдими, деган саволларни юзага келтиради. Агар қўшимча ҳақни тақсимлашнинг ҳозирги тартиби ҳисобга олинадиган бўлса, бундай кайфиятнинг пайдо бўлишига сира асос йўқ.

Ишлаб чиқариш харажатларини камайтиришнинг самарали тадбирлари бор. Албатта, улар ишлаб чиқариш шароитларида тажриба тариқасида синаб кўришни талаб этади. Эҳтимол, тегишли моддий шароитлар яратилган тақдирда Пахтакор райони бунинг учун яхшигина тажриба майдони бўлиши мумкин.

Мана бу ҳақда ҳам ўйлаб кўриш лозим. Кўпгина иқтисодий заиф хўжаликлар унда ишловчиларнинг айби билан эмас, балки носоз хўжалик юритиш механизмининг айби билан шу ҳолатга келиб қолган. Бунда ҳисоб-китоб хизматининг ҳам тегишли айби бор. У ҳозирча амалиётдаги кўпгина масалаларни ечишда нўноқлик қилаётир. Ҳозир инсон омилини фаоллаштириш, ишлаб чиқаришнинг иқтисодий натижаларига қараб ҳақ тўлаш ва рағбатлантиришга зўр бериб даъват этилмоқда-ю фан эса ана шу тадбирларни амалга оширишнинг пишиқ-пухта йўлини кўрсатмаётир.

Ёки шундай масалани олиб кўрайлик: ялпи даромадга қараб меҳнатга ҳақ тўлашни ташкил этиш йўли билан, шу иқтисодий категорияларнинг аҳамиятини ҳисоблаш усули ўзгартирилмаган ҳолда мақсадга эришиш мумкинми? Ҳозир колхозларда ялпи даромад деярли ҳисоблаб чиқарилмайди, балки унинг таркибий қисми бўлган сарф-харажатларгина ҳисобланади. Чунки саноқ сифатида тушган пул эмас, балки ялпи маҳсулот таннархи, яъни барча ишлаб чиқариш харажатлари олинади. Натижада ишлаб чиқариш харажатлари йиғиндисидан моддий харажатлар айирилади, фойда қўшилади (ёки зарар чегириб ташланади) ва ялпи даромад аниқланади. Аммо сарфланган харажатлардан унинг бир қисминигина чегириб ташлаш мумкин, ундан эса фойдани аниқлаб бўлмайди. Амалда эса шундай бўлаяпти ҳам. Сарфланган барча харажатлардан иш ҳақи учун тўланган пул ажратилади-ю, қолган даромадларга қўшиб юборилади. Ялпи даромадни аниқлашнинг пухта йўлини К. Маркс таклиф этган ва уни ҳисоблаш усулини кўрсатган эди.

Бундан кўриниб турибдики, ялпи даромадга қараб меҳнатга ҳақ тўлаш ва рағбатлантириш усулига ўтаётганда ана шу иқтисодий категориянинг дастлабки моҳиятини тиклаш, яъни ялпи фойдадан ялпи даромадни ҳисоблаб чиқишни йўлга қўйиш лозим. Ана шундагина бу усул ўзини ўзи қоплайдиган ишлаб чиқаришнинг чинакам омилига айланади.

Бошқа иқтисодий категорияларни ҳисоблаш усуллари ҳам аниқлик киритишни талаб этади. Қишлоқ хўжалигининг ялпи маҳсулоти саноатдагидан фарқли равишда ялпи оборот сифатида ҳисобланади ва ички хўжалик эҳтиёжлари ҳам ҳисобга киритилади. Натижада улар икки марта ҳисобга кириб қолади. Шу тариқа мутлақо фойда бўлмаган жойдан ҳам фойда чиқадики, бу эса баъзан қулоғигача қарзга ботган хўжаликларни рентабелли хўжаликлар қаторига қўшиб қўяди.

Илгари иқтисодий категориялар ишлаб чиқаришни ростлаб туриш ролини ўтамаган. Ҳозир эса қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқариши ўз харажатини ўзи қоплаш ва ўзини ўзи пул билан таъминлашга ўтаётган экан, бу категория хўжалик юритиш иқтисодий механизми системасида самарали восита бўлиб қолиши керак.

Агросаноат органлари илмий муассасалар билан биргаликда партия ва ҳукумат қарорларига биноан колхоз, совхозларнинг молиявий аҳволини мустаҳкамлаш воситаларини қидиришлари, уларни ўз харажатини ўзи қоплаш ҳамда ўзини ўзи пул билан таъминлашга кўчириш йўлларини излашлари лозим. Булар оқилона, илмий асосланган, бевосита ишлаб чиқариш шароитларини тенглаштиришга қаратилган тадбирлар бўлиши керак. Улар агросаноат комплексидаги бутун ишлаб чиқариш потенциалидан фойдаланишни барқарорлаштириш, хўжалик юритиш механизмини такомиллаштиришни жадаллаштириш имконини беради.

Хўжаликларнинг ўз харажатини ўзи қоплаш ва ўзини ўзи пул билан таъминлашга ўтиши оддий иш эмас. Бунинг учун партия комитетлари, республика Агросаноат давлат комитети, РАПО советлари ва хўжаликларнинг баҳамжиҳат ҳаракати зарур. Ишлаб чиқаришни бошқаришнинг иқтисодий усуллари билан ташкилий, ғоявий-тарбиявий ишлар чамбарчас боғланмоғи керак. У қанчалик таъсирчан бўлса, қишлоқ меҳнаткашларининг муваффақияти ҳам шунчалик салмоқли бўлаверади.

**И. ГАЛЕЕВ,**
**Ўрта Осиё қишлоқ хўжалиги экономикаси илмий тадқиқот институти колхозлар, совхозлар экономикаси бўлимининг раҳбари, иқтисод фанлари кандидати.**



**Хўжалик ҳисоби, ўзини ўзи маблағ билан таъминлашга ўтиш туфайли Китоб районидаги «Китоб» совхоз-заводида маҳсулот етиштириш салмоғи кескин кўпайди. Ўтган йили хўжаликда ҳар гектар токзордан 210 центнердан ўзум олинди.**

**Хўжалик юритишнинг янги усули рентабелликни оширди, 2 миллион сўмдан зиёд даромад келтирди.**



**СУРАТЛАРДА: 1. Бригада бошлиғи Маҳмуд Аҳмедов (чапдан) ва совхоз директори Зариф Бурҳонов иссиқхонада ўстирилган ошкўкларни кўздан кечиришаяпти. 2. Марказий лаборатория ходими Хушмурод Бозоров.**

С. ВЕЛИЧКИН фотолари.

(ЎзТАГ).

